

ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАР

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгиловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни ҳисобланадиган аҳолини рўйхатга олиш мамлакат ҳудудида миллати, элатидан қатъий назар барча инсонларни бирлаштирадиган умуммиллий тадбирдир.

Уни ўтказилишидан барча, сиёсий қарашлари ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, бирдек манфаатдордир. Боиси, мазкур йирик ижтимоий тадбир орқали, биринчи навбатда, жами аҳолининг сони, фуқаролиги, никоҳ ҳолати, яъни расмий никоҳ, норасмий никоҳ ёки эрта никоҳ, одамларимизнинг таълим даражаси (ўрта, ўрта махсус ёки олий), яшаш учун даро-

мад манбалари, уйсизлар сони, уй ҳўжалигининг яшаш шароитлари каби бир қанча кўрсаткичлар бўйича бугунги кунда етарлича мавжуд бўлмаган маълумотлар базаси шакллантирилади. Шаҳарча, маҳалла, кишлоқ ва овуллар сони ҳамда уларнинг чегаралари, турар жойлар сони, улардаги мавжуд шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритилади.

Аҳолини рўйхатга олиш яна бир жиҳати билан муҳим. Унинг якунига етказилиши ҳудудларни хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйлар рўйхатини тузиш имконини беради. Яна ҳам аниқроқ айтганда, турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, фойдаланилмай ётган ёки муддатини ўтаб бўлган биноларни белгилаб олиш билан тегишли ҳудудларда уй-жой, саноат объектларни куриш ва таъмирлаш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг янги мукамал кадастр харитаси яратилади.

Алишер ЖУМАНИЁЗОВ,
вилоят статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

Бино ва иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ҳамда муқаммал таъмирлаш жараёнларида эътиборсизлик туфайли ёнгин хавфсизлиги қоидаларига талаб даражасида риоя қилинмаслик ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай курилиш ёки реконструкция қилиш ишларини бошлашдан олдин курилиш объектлари учун ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлиб, унда курилиш жараёнларида амалга оширилиши лозим бўлган талаблар белгиланади.

Курилиш жараёнларида энг катта хавф келтириши мумкин бўлган ҳолатлардан бири очик ҳолатдаги носоз электр симлари ва кабелларидан фойдаланиш бўлиб, булар албатта қутилмаган бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.

Курилиш ишларини олиб

боришда ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган меъёр талаблари бажарилиши, вақтинча сув таъминоти, бирламчи ёнгин ўчириш воситаларини шай қилиб қўйиш, бино ва иншоотларда ишлатиладиган ёғоч материалларининг ёниш хусусиятини пасайтирувчи кимёвий суюқликлар билан ишлов бериш талаб даражасида амалга оширилиши лозим.

Бу албатта ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Руслан ҚУРБОНОВ,
Шовот тумани ФВБ бошлиғи, майор.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жорий йил 15 майдан 15 июнга қадар “Қоидаларга йўл ҳам бўйсунди” шиори остида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ҳуқуқий саводхонлик ойлиги эълон қилинганди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори билан янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” тасдиқланган.

Қарорга кўра, аҳоли пунктларида транспортларнинг тезлигини соатига 70 километрдан, мактаб ва боғчалар атрофидаги йўлларда 300 метргача масофада 30 километрдан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 20 километрдан

оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

Бунда, Президентнинг тегишли қарори билан ташкил этилган Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги республика комиссияси қарори асосида Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларидаги йўл ҳаракати қатнови юқори бўлган ва аҳоли гавжум ҳудудларда транспорт ҳаракатланишининг юқори тезлиги соатига 60 километр этиб белгиланиши мумкин.

Ёнғил автомобилларда юк ташишга уларнинг том қисмига ўрнатилган юкхонадаги юкнинг баландлиги 1 метрдан (махсус мосламалар билан мустаҳкамланган ҳолда велосипедларни ташиш бундан мустасно) ва узунлиги автомобилнинг габаритидан 0,5 метрдан ошмаган тақдирда йўл қўйилади.

Транспорт воситаларининг қайрилиб олиш жойларида ва унга 30 метр етмасдан ёки ўтиб тўхташ тақиқланади.

Расулбек ИБРОҲИМОВ,
вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.

АЛИМЕНТ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА

Алимент тўлаш тўғрисидаги қелишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Алимент тўлаш тўғрисидаги қелишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Алимент тўлаш тўғрисидаги қелишув қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳам ўша шаклда амалга оширилади.

Алимент тўлаш тўғрисидаги қелишувга биноан тўланадиган алиментларнинг миқдорини тарафлар шу қелишувда белгилайдилар. Алимент тўловчи ва алимент олувчи тарафлар учун ўзларининг қелишувига кўра, суд қарори билан белгиланадиган алимент тўлаш тартиби ва воситаларидан фарқ қиладиган кенгрок тартиб ва воситаларни танлаш имкониятини яратади.

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўланади. Ихтиёрий тартибда тўланаётган алимент нафақат болаларга, қонун билан белгиланган ҳолларда, эр-хотиндан бирига, ота-оналарга, ака-ука, опа-сингил ва бошқа қариндошларга ҳам берилиши мумкин. Қонун вояга етмаган болаларнинг манфаатларини алоҳида ҳимоя қилади.

Руслан ОТАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро судининг судьяси.

БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАСИН

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Урганч шаҳрида 10 та ёнгин содир бўлиб, шундан 3 таси электр симларидаги қисқа туташув натижасида, 2 таси қасддан, 1 таси иштиш қозонини назоратсиз қолдириш оқибатида, 3 таси пахта ёғини доғлаш натижасида ва 1 таси ёш болаларни гугурт ўйнашидан содир бўлган.

Болаларни гугурт ўйнаши, очик олов билан шўхлик қилишлари ёнгин чиқишига олиб келади. Натижада фуқаронинг қуйиш тан жароҳати ёки ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.

Буни олдини олиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига бирдек риоя қилиш, ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслик зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Болаларни ҳаракатлари билан боғлиқ содир бўладиган ёнғинларни олдини олиш учун:

- гугурт, қоғозларни уларнинг қўли етмайдиган жойга қўйиш зарур;
- болаларни катталар қаровисиз ёлғиз қолдирманг;
- болаларга ёнғинлар оқибати тўғрисида, олов билан ўйнаш хавфи эканлигини тушунтириш, ҳар бир катта ёшдаги шахсдан талаб қилинади;
- ёш болаларга газ ва электр асбобларидан фойдаланишларида рухсат берманг.

Қудрат ЖУМАНАЗАРОВ,
Урганч шаҳар ФВБ бошлиғи, подполковник.

ТАДБИРКОРГА МАДАД

Халқимизда “Меҳнат инсонни улуғлайди” деган ажойиб нақл бор.

Туманимизда турли хил янғидан-янги бино ва иншоотлар барпо этилмоқда. Савдо-саноат тармоқлари, ишлаб чиқариш шохобчалари ривожланиб, турар жойлар ўзгача кўриниш бера бошлади. Халқ ҳунармандчилигининг қадимги соҳаларидан бири бўлган бинокорлик замонавий тус олиб, жаҳон андозаларига мос қилиб яратилмоқда.

Курилишда белгиланган қоидаларга амал қилиш ва қонунчиликка асосланган бино ва иншоотларни бунёд этишга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Курилиш ишларини амалга оширишда ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва талабларига риоя қилинишини назорат қилишда фавқулодда вазиятлар бўлими ходимларининг ўрни бекиёсдир.

Ҳар қандай бино-иншоотларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик инсоннинг ўз меҳнати эвазига орттирган мол-мулк ва бойлиқларини бир дақиқада ҳавога совуриб юбориши мумкин. Буни эса ҳар бир эътиборли киши истамайди, албатта.

Ферузбек ИНОЯТОВ,
Шовот тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, капитан.

ГАЗ ИСТЕЪМОЛИ

муддати ўтиб кетган қарздорлиги мавжуд бўлганда унинг томонидан аванс тўлови сифатида ўтказилган маблағлар муддати ўтиб кетган қарзни қоплашга йўналтирилади ҳамда аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

Муддати ўтиб кетган қарздорликка эга бўлган газ истеъмолчиларини газ етказиб бериш тармоқларидан узиб қўйиш ва уларга такроран улаш ҳаражатлари истеъмолчилар ҳисобига қопланади.

Шартномада кўрсатилган

муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаган тақдирда истеъмолчи етказиб берувчига газ етказиб бериш юзасидан шартномага мувофиқ пеня тўлайди. Аҳоли пеняни газ учун тўлов ўз вақтида тўламаган тақдирда муддати ўтган ҳар бир кун учун 0,1 фоиз миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди.

Мажбуриятларнинг бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлар оқибатида юзага келган тақдирда газ етказиб берувчи пеня тўлашдан озод қилинади.

С.ЖУМАНАЗАРОВ,
Шовот туманлараро иқтисодий суди девонхона мудри.

СЎЛИМ ГЎШАДА ШОДЛИК

Мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларидаги дам олиш масканлари шўх-шодон кулгулари билан тўла бошлади. Бу баркамол авлод тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Барча оромгоҳларга малакали ва мохир педагог тарбиячилар, етакчи мутахассислар жалб қилиниши билан бир қаторда фавқулодда вазиятлар хизматининг тажрибали ходимлари ҳам бириктирилди. Мавсум давомида кечалар, концертлар ўтказилиши, саҳна кўринишлари намоиш этилиши маълум.

Ана шундай кечаларда гулхан ёқилади.

Бундай тадбирларни ўтказишда кўпинча тез ёнувчан материаллардан фойдаланилади. Натижада ёнгин хавфи ортади. Шу боис фалокат юз берган тақдирда оромгоҳдан болаларни хавфсиз жойга кўчириш йўлларининг ҳолати меъёрий ҳужжатлар талабларига тўла жавоб бериши лозим.

Мавсум давомида оромгоҳларнинг ёнғинга қарши ҳолатини талаб даражасида таъминлаб туриш, бу борада белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги ходимларининг навбатчилиги ташкил этилган.

Хушнуд АБДУЛЛАЕВ,
Урганч шаҳар ФВБ бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

ЮРИДИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Демократик давлатнинг асосини ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур англаган халқ ҳокимиятчилиги ташкил қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ҳар томонлама ўстиришга, айниқса, замон талабларига мос юридик кадрлар тайёрлашга давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хоразм вилояти юридик техникумида қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги ва сиртки йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

- давлат-ҳуқуқий фаолият;
- юридик хизмат;
- суд-ҳуқуқий фаолият.

2022/2023 ўқув йили учун Хоразм вилояти юридик техникумига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш 2022 йил 1 августдан 20 августга қадар (20 август куни ҳам) давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ёки Давлат тест марказининг расмий веб-сайти (technikum.dtm.uz) орқали амалга оширилади.

Ҳозирда техникумда қабул жараёниларига тайёргарлик ҳамда ёшларни техникумда ўқишга жалб қилиш мақсадида тарғибот жараёнлари уюшқоқлик билан ташкиллаштирилмоқда.

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейни тамомлаган ўзлаштириш кўрсаткичларининг 56 ва ундан юқори фоизлик натижаларига эга битирувчилар ҳамда



республика олий таълим муассасаларида юриспруденция таълим йўналиши бўйича тест синовларида иштирок этиб, унда тўплаш мумкин бўлган умумий баллнинг 60 ва ундан юқори фоизини тўплаб, ўқишга тавсия этилмаган абитуриентлар юридик техникумларга кириш имтиҳонларисиз, тўлов-контракт асосида қабул параметрларидан ташқари қабул қилинади.

Қарор билан юридик техникумларга ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида қабул параметрларига мувофиқ рейтинг тизими бўйича амалга оширилади. Кириш синов-

ларидан муваффақиятли ўтган кам таъминланган оилалар аъзолари бўлган абитуриентлар, “Меҳрибонли уйи” ва “Болалар шаҳарчаси”нинг битирувчилари бўлган, II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шу жумладан, кўзи ожиз абитуриентлар кўшимча қабул параметрлари асосида давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.

Чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи B1

ва ундан юқори даражадаги давлат малака сертификатига ёки халқаро сертификатларга эга абитуриентлар чет тили фани бўйича тест синовлари ўтказилган ҳолларда ушбу фан бўйича тест синовини топширишдан озод қилинади.

Кириш имтиҳонларига киритилган барча фанлар йиғиндиси бўйича 56 ва ундан кам баллни тўплаган, шунингдек, белгиланган вақтда имтиҳонларга етиб келмаган абитуриентлар техникумга қабул қилинмайди.

Келгусида юридик техникум ўқувчилари орасидан замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, мамлакатимизнинг буюк келажагига ўзининг муносиб хиссасини қўшадиган ҳуқуқшунос кадрлар етиштирилади.

Мукаддас НОРҚУЛОВА,
Хоразм вилояти юридик техникуми юридик клиника раҳбари.
Зухра БАЖИЕВА,
техникум услубчиси.

ЁНИШ ЖАРАЁНИ

М.Ломоносов биринчи бўлиб ёниш жараёнининг моҳияти ёнувчи модданинг ҳаво билан кимёвий бирикмасидан иборат эканлигини исботлаган. 1773 йилда француз олими Лавуазье бу жараёнда оксидловчи ҳаво эмас, балки унинг таркибидаги факат кислород қатнашишини асослаган.

Ёнишнинг асосий шартлари: ёнувчи модда, ёндирувчи, кислород кимёвий реакциялар кечадиган ҳудудга оксидловчи модданинг кириши ва ёнишни таъминлаб турувчи тўхтовсиз иссиқлик ва шу кабилардан иборатдир.

Ёнишни тўхтатишнинг тўртта асосий принциплари:

1. Ёниш реакциясига киришувчи моддаларни совитиш;
2. Ёниш ҳудудида реакцияга киришувчи моддаларни изоляция қилиш;
3. Реакцияга киришувчи моддаларни ёнмайдиган концентрациягача ёки ёниш жараёни юзага келмайдиган даражагача араштириш;
4. Ёниш реакциясини кимёвий тўхтатиш.

Ёнғин ўчириш моддалари деганда ёниш жараёнига бевосита таъсир қилувчи ва унинг тарқалишини чеклаш учун шароит яратиб берувчи моддалар тушунилади (сув, кўпик ва ҳоказолар).

Азамат РЎЗМЕТОВ,
Урганч шаҳар ФВБ мутахассиси,
оддий аскар.

ҒАЛЛАНИ АСРАЙЛИК!

лар яқинларида тўлдирилган сув сиғим идишлари бўлиши лозим.

Ғаллани ёнғин хавфидан сақлаш учун бир қанча ишларни амалга ошириш керак. Жумладан, комбайнлар ғалла ўраётган пайтда, далада сув сиғимли идиш бўлиши, сув сеппи имкониятига эга бўлган техникалар навбатчилик ташкил қилиши зарур. Ғалла экилган далаларда ва уларга яқин жойларда очиқ оловдан фойдаланиш, техникаларни таъмирлаш ва уларга ёқилғи қуйиш, шунингдек майдонларни сомондан тозалаш мақсадида ёкиб юбориш мумкин эмас.

Аҳолининг хусусий томорқа ерларида етиштирилган бугдойни кўча ва йўللarda қуриштириш пайтида ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш керак. Комбайнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2 та ёнғин ўчириш воситаси, 1 та белкурак, 1 та супурги, 2х2 метр ўлчамли кигиз, 100 литр сиғимдаги сув идиш ва челек бўлиши лозим.

Камолдин МАТЌУБОВ,
Урганч тумани ФВБ бошлиғи
ўринбосари, катта лейтенант.

Аҳолини рўйхатга олишда

ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Аҳолини рўйхатга олиш жараёни жиддий тайёргарликни талаб этади. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кесимида фуқароларга доир кенг қамровли маълумотларни олиш учун, аввало, маълум бир ҳудуднинг схематик чизмаларини мукаммал тарзда қайта ишлаб чиқиш ва уй-жойларнинг рўйхатини тузиш талаб этилади.

Бу эса тадбирга тайёргарликнинг муҳим босқичларидан биридир.

Бунда маҳалла, қишлоқ ва овулларнинг чегаралари, кўчаларда ном белгиларининг ўрнатилганлиги, турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони ҳамда уйларнинг рақамланганлиги аниқлаштириб олинади.

Ушбу вазифаларни амалга оширувчи уй-жойлар рўйхатини тузувчилар 2022 йил 1 августдан 1 сентябргача бўлган даврда махсус ўқитилади ҳамда бино ва уй-жойлар рўйхатини тузиш учун жалб этилади.

Уй-жой рўйхатини тузувчилар томонидан ўзига беркирилган участкани хатловдан ўтказиш давомида респондентлар яшайдиган (вақтинча бўлиб турган) ёки яшаши мумкин бўлган барча бинолар рўйхати аниқланиб, картографик материаллар текширилади, уларга тегишли белги қўйилади ва зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш учун кадастр идораларига тақдим этилади.

Зумрад МУҲАММАДИЕВА,
Урганч шаҳар статистика бўлими бошлиғи
вазифасини бажарувчи.

ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

“Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига кўра, ҳар бир фуқаро ёнғинни сезганда қуйидагиларни бажаришга мажбур:

1) зудлик билан “101” телефон рақами орқали Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг ёнғин-қутқарув бўлинмасига хабар бериш (хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнғин чиққан жой ва ўзининг фамилиясини айтиш);

2) одамларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш чораларини кўриш;

3) имкон қадар мавжуд ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан ёнғинни ўчириш чораларини кўриш.

Эслатиб ўтамиз, ёнғинни олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Уйда ва иш жойида доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш лозим.

Элёрбек НУРИМОВ,
Урганч шаҳар ФВБ бўлинма бошлиғи, капитан.

MOBIL-ID ТИЗИМИ

Жорий йил 1 августдан бошлаб давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига кўшимча равишда жисмоний шахсни идентификациялашнинг Mobil-ID тизими жорий этилади. Шахсни Mobil-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра давлат хизматлари маркази ёки нотариал идора томонидан ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (ЯИДХП) мобил иловаси орқали амалга оширилади. Mobil-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан бевосита марказ ёки нотариал идорага мурожаат қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли тақдим этилади. Марказ ёки нотариал идора ходими томонидан фуқаронинг юзи рақамли форматда расмга ту-

ширилади, электрон шаклда кўл бармоғи изи олинади ва мобиль телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга боғланади.

Бевосита марказлар ёки нотариал идора орқали фуқароларни Mobil-ID тизимига идентификация қилиш жорий йил 31 декабрга қадар тўлов ундирилмасдан, 2023 йил 1 январдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 фоизи миқдорида бир марталик тўлов ундирилган ҳолда амалга оширилади. Mobil-ID тизими фойдаланувчилари электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан (бундан молиявий хизматлар мустасно) фойдаланиши мумкин бўлади.

Огабек НАЗАРОВ,
Ҳазорасп тумани Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

HUQUQIY
himoya

МУАССИС:
«Ихтиро» ХК

МУҲАРРИР:
Фарход МУҲАММАДИЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 3
Газета ойда 2 марта чиқади.

Газета Хоразм вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2010 йил 2 июнда
13-039-рақам билан рўйхатга олинган.



Муаллифлик ҳуқуқи қонун билан ҳимояланган. Таҳририят руҳсатсиз материаллардан фойдаланиш ман қилинади. Тел: 223-27-42

E-mail: huquqiy-himoya@inbox.uz

Нашр кўрсаткичи: 8041. Нусхаси: 450

Сотувда қилинган нархда.

Саҳифаловчи: Ф.Мадаминов.

Навбатчи: Г.Болтаева.

Газета «Ихтиро» матбаа бўлимида териблиб саҳифаланди ва «Қувончбек-Машхура» МЧЖ босма-хонасида чоп этилди.
Урганч ш. Ислам Қаримов кўчаси, 106-уй.

Б. № 136

QUVANCHBEK
MASHXURA

Босишга топшириш вақти график бўйича 18.00.
Топширилди 17.30